



ТЕКШИРИШ УЧУН ХАРИД ҚИЛИШ ВА НАЗОРАТ ОСТИДА ОЛИШ ТАДБИРЛАРИНИНГ ТУШУНЧАСИ ВА АҲАМИЯТИ

Т.Э. Машарипов

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси тезкор-қидирув
фаолияти катта ўқитувчиси

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10550498>

ARTICLE INFO

Received: 15th January 2024

Accepted: 21th January 2024

Online: 22th January 2024

KEY WORDS

Тезкор-қидирув тадбирлари тушунчаси, текшириш учун харид қилиш ва назорат остида олиш тезкор-қидирув тадбирларининг тушунчаси, ушбу тадбирларни расмийлаштириш ва процессуал расмийлаштиришнинг асосий вазибалар.

ABSTRACT

Мақолада ички ишлар органлари тезкор-қидирув бўлинмалари томонидан тезкор-қидирув тадбирларини амалда тўғри қўлай билиши, текшириш учун харид қилиш ва назорат остида олиш тезкор-қидирув тадбирларини қандай қўлланиши, уларнинг тушунчаси, ушбу тадбирларни қўллаш амалиёти асослаб берилган.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида тадбир [а. حدث – бошқариш, идора қилиш; тежамкорлик; чора илож, йўл-йўриқ; ҳаракат тарзи] Амалга ошириш, рўёбга чиқариш учун йўл-йўриқ ва чора; мақсадни амалга ошириш йўлидаги иш, хатти-ҳаракатнинг ўзи; маълум мақсадни ташкилий равишда амалга ошириладиган (бажариладиган) иш, ишлар¹ маъносида изоҳ берилган. Ўзбекистон Республикаси “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунида 16 та тезкор-қидирув тадбирларининг номлари ва мазмуни баён этилган бўлиб, лекин тезкор-қидирув тадбирлари тушунчасига таъриф берилмаган. Тезкор-қидирув фаолияти соҳасида илмий изланишлар олиб борган айрим ҳуқуқшунос олимлар томонидан “тезкор-қидирув тадбирлари” тушунчасига турлича таърифлар берилган. Жумладан, Б.Э. Закиров ва В. Каримовлар фикрича: “тезкор-қидирув тадбирлари институти тезкор-қидирув қонунчилигини амалга ошириш механизми ҳисобланиб, қонуннинг ўзаги, яъни асосий қисмини ташкил этади”² деб ҳисоблайди.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 га яқин сўз ва сўз бирикмаси. Ж.Ш.Н–Тартибли/ Масъул муҳаррир А.Мадвалиев. –Т.: «Ozbekiston nashriyoti» давлат унитар корхонаси, 2020. –Б.636.

² Б.Э.Закиров, В.Г.Каримов. «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2013. –No 1. –Б. 22-27.



Тезкор-қидирув қонуни ҳужжатларида, афсуски, тезкор-қидирув тадбирларининг аниқ таърифи берилмаган, шу боис ўқув ва илмий адабиётларда бу масалада бири-биридан анча катта фарқ қиладиган ўнлаб талқинларни учратиш мумкин.

А.А. Ҳамдамов, Т.Р. Саитбаев, С.Н. Гордеев, Р.Т. Рашитходжаевларнинг Ўзбекистон Республикаси “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунига шарҳида, “Тезкор-қидирув тадбирлари – Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунда мустаҳкамланган разведик-излов хусусиятига эга бўлган, ваколатли субъектлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат талабларига мувофиқ ўтказиладиган ҳамда асосан ноошкора восита ва усулларни ошкора восита ва усуллар билан уйғунлаштирган ҳолда қўллашга асосланган ҳамда тезкор-қидирув фаолияти масалаларини ҳал қилиш учун зарур фактик маълумотларни бевосита аниқлашга қаратилган чора ва ҳаракатлар тизими”³. деб таъриф берилган.

В.Каримов ўзининг Ўзбекистон Республикаси “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунига илмий-амалий шарҳида “Тезкор-қидирув тадбирлари-бу, Тезкор-қидирув фаолиятининг таркибий қисми бўлиб, фаолиятнинг субъектлари томонидан қонунда белгиланган асослар ва шартларга биноан ошкора ва ноошкора усуллар ва воситалар уйғунлигида фаолиятнинг вазифаларини ҳал этишга йўналтирилган ўзаро муштарак ҳаракатлар мажмуидир”⁴ деб таъриф бериб ўтган.

Юқорида кўрсатилганлани инобатга олиб, бу таърифлар юридик адабиётларда Тезкор-қидирув фаолиятига берилган таърифдан келиб, ўзларининг муаълифлик таърифларини ишлаб чиқишган деган хулосага келинади.

Тезкор-қидирув фаолияти ушбу қонун билан махсус ваколат берилган давлат органларининг тезкор бўлинмалари томонидан тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш орқали амалга ошириладиган фаолият туридир, деб Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунинг 3-моддасида таъриф берилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунинг 3-моддасига мувофиқ, ушбу фаолиятни унинг асосий мазмунини ташкил этувчи тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш орқали амалга ошириш нзарда тутилган. Ушбу қонунининг 14-моддасида эса 16 та тезкор-қидирув тадбирлари кўрсатиб ўтилган бўлиб шулардан, “*текшириш учун харид қилиш*” ва “*назорат остида олиш*” тадбирларига тўхталиб ўтсак.

Текшириш учун харид қилиш – юридик ёки жисмоний шахслардан тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган таварларни ёки

³ А.А. Ҳамдамов, Т.Р. Саитбаев, С.Н. Гордеев, Р.Т. Рашитходжаев. Ўзбекистон Республикаси “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунига шарҳи. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б 68.

⁴ В.Каримов Ўзбекистон Республикаси “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунига илмий-амалий шарҳ. Т-2021. –Б 120.



хизматларни ҳақ эвазига харид қилишдан иборат бўлган тадбир⁵, деб Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунида тариф берилган⁶.

Текшириш учун харид қилиш тадбирида тўлов воситаси сифатида миллий пул бирлиги (сўм), чет эл валютаси, буюм ёки автотранспорт воситаларидан ҳам фойдаланиши мумкин.

Текшириш учун харид қилиш савдо ва хизмат кўрсатиш фаолияти қоидаларига риоя қилишни текшириш, товар ва махсулотларни жинойий фаолиятга алоқадорлигини аниқлаш мақсадида амалга ошириладиган тезкор-қидирув тадбиридир.

Текшириш учун харид қилиш тадбирининг асосий вазифалари:

жиноят содир эхтимоли бўлган, уни ният қилаётган ёки жиноятга тайёрланаётган шахсларни аниқлаш;

содир этилган жиноят белгилари тўғрисидаги бирламчи маълумотларни аниқлаш, олиш ва текшириш;

ўғирланган ашёлар ва жинойий йўл билан қўлга киритилган қимматбаҳо нарсалар, шунингдек далилий аҳамият касб этиши мумкин бўлган нарсалар, ҳужжатлар ва моддаларни аниқлаш;

истеъмол бозорида ноқонуний фаолият билан шуғулланувчи шахсларнинг жинойий ҳаракатларини ҳужжатлаштириш.⁷

Текшириш учун харид қилиш тадбирининг объекти фуқаролар муомиласида бўлган ва муомиласидан чиқарилган, ўғирланган буюмлар ва ашёлар, қалбаки, қўлбола усилта тайёрланган, истеъмолга ёроқсиз махсулотлар, муомаладан чиқарилган нарсалар (тиббийётда фойдаланиладиган дори воситалари, накотиклар, қурол-ёроғ, ўқ-дори кабилар) ҳам киритилиши мумкин.

Текшириш учун харид қилиш тадбирини ўтказишдан мақсад, шахсларнинг ғайриқонуний фаолиятини текшириш ва тақиқланган нарсалар, буюмларни ҳамда ашёларни ўтказиш билан, бозорларда фирибгарлик билан шуғулланувчи, истеъмолчиларни сохта ашёлар билан алдаётган шахсларни кейинчалик назорат остида олиш тадбирини ўтказиш учун асос яратишдир.

Текшириш учун харид қилиш тадбирининг субъекти тезкор бўлинма ходими ёки унинг топшириғига кўра ҳаракат қилаётган шахс бўлиши мумкин⁸.

Текшириш учун харид қилиш тадбири ошкора ва ноошкора шаклда ўтказилади. Ошкора шаклда олди-сотди келишуви оддий фуқаро сифатида ўтказилиб, кейинчалик сотувчига хариднинг аниқ мақсади тушунтирилади, ашё (харид объекти) тарози ёки махсус мосламада назорат сифатида (оғирлиги, вазни, сиғими ва ҳ.к) ўлчанади, товар

⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуни. Қонунчилик маълумотлар базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0357-сон; 29.06.2021 й., 03/21/697/0607-сон. Lex.uz

⁶ Ашуров, О. У. (2023). Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш. *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 25(2), 49-53.

⁷ В.Каримов. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунига илмий-амалий шарҳ. 2021 й., Б.137

⁸ В.Каримов. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунига илмий-амалий шарҳ. 2021 й., Б.138



кўздан кечирилади ва сотувчининг иштирокида ўтказилган тадбир бўйича баённома тузилиб, иштирокчилар томонидан имзоланади.

Зарур ҳолатларда текшириш учун харид қилишни амалга оширишда, яъни олди-сотди келишув вақтида унинг субъекти сотувчидан товарни харид қилишнинг мақсадини, ҳамда ҳуқуқни муҳофаза этувчи органга тегишли эканлигини яширади⁹.

Ношқора шаклда текшириш учун ҳарид қилиш тадбир ошқора шаклдан тадбирнинг натижаси бўйича зудлик билан қонуний чора кўрмаслиги ва амалга оширилмаслиги билан фарқланади. Унинг натижалари тезкор бўлинмалар ходимининг маълумотномаси билан расмийлаштирилади, зарур бўлган вақтда эса тадбирга жалб қилинган фуқаролардан тушунтириш хатлари олинади.

Текшириш учун харид қилишни ўтказиш учун қарор чиқарилади, қарор тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари ҳамда прокурор билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

Текшириш учун учун харид қилиш тадбирнинг ташкилий ва техник жихатдан таъминланиши, ушбу тадбирда техник воситалардан фойдаланиш, тадбирнинг молиявий жихатлари тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари томонидан зарур пул маблағлари ажратилади.

Содир этилган олди-сотди битими далолатнома билан расмийлаштирилади, унда битим амалга оширилган вақти, жойи, сотиб олинаётган товарнинг тури, оғирлиги, вазни ва бошқа жихатлари кўрсатиб ўтилади.

Назорат остида олиш тезкор-қидирув тадбири, текшириш учун харид қилиш тадбирининг мантиқий давоми сифатида олсак бўлади. Текшириш учун харид қилинган ашёлар ёки моддалар текширилганидан кейин назорат тартибида олинади ва ҳужжатлаштирилади.

Назорат остида олиш тадбирига Ўзбекистон Республикаси “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунида, “*Назорат остида олиш* – ёлғондан битим тузишдан, яъни қонун ҳужжатларининг бузилиши фактини аниқлаш ва ҳужжатлаштириш учун товарларни, валюта қимматликларини, моддаларни ҳамда бошқа предметларни истеъмол қилиш ёки сотиш мақсадини кўзламасдан олишдан иборат бўлган тадбир”, деб тариф берилган.¹⁰

Бу тадбирининг объекти очиқ савдода муомаласи тақиқланган ёки чекланган ёхуд ўғирланган нарса ва буюмларни ўтказишда ёки тарқатишда асосли гумон қилинаётган, шунингдек истеъмолчиларни алдаш ёки фирибгарлик билан шуғулланаётган шахслар ташкил этади¹¹.

Назорат остида олиш тадбирини ўтказишдан мақсад, ғайриқонуний фаолият билан шуғулланаётган шахсларнинг жиноий ҳаракатларини ҳужжатлаштириш, эркин муомиласи тақиқланган нарса ва буюмларни сотиш (сотиб олиш) ёхуд тарқатиш,

⁹ Ашуров, О. У. (2022). Интернет орқали ёшлар орасида экстремистик ғоялар тарқалишининг салбий оқибатлари!. *JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH*, 5(4), 240-247.

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуни. Қонунчилик маълумотлар базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0357-сон; 29.06.2021 й., 03/21/697/0607-сон. Lex.uz

¹¹ В.Каримов. Тезкор-қидирув фаолияти. дарслик. 2021 й., Б.269.



ўғирланган буюмларни ўтказиш билан шуғулланаётган, фирибгарлик қилаётган шахсларни жиноят устида қўлга олишдан иборат.

Ушбу тадбир текшириш учун харид қилиш тадбирига ўхшаб кетади ҳамда гумон қилинаётган шахсдан у сотишни таклиф этаётган нарсани пулга ёки бошқа бойлик эвазига афсона асосида сотиб олишдан иборат, товарни сотиб олаётган шахс, биринчидан, ўзининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мансублигини яширади, яъни ўзини оддий харидор сифатида таништиради, иккинчидан, сотиб олишдан кўзлаган ҳақиқий мақсадини яширади. Тезкор-қидирув фаолияти субъектлари назоратида амалга ошадиган сотиб олиш пайтида шахснинг жинойий фаолияти қайд этилади ва у жиноят устида қўлга олинади¹².

Назорат остида олиш тадбири шахс жиноят устида қўлга олинганидан сўнг тугалланган ҳисобланади, бу эса шахснинг эркин муомиласи тақиқланган нарса ва буюм учун келишилган пулни ёки бошқа қимматликларни олиб, нарса ва буюмни бергандагина юз беради. Ушбу ҳолда сотувчи қўлга олинади, ундан тушунтириш хати олинади ҳамда ҳолислар иштирокида товар эвазига олинган пул ёки бошқа қимматликлар олиб қўйилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, назорат остида олиш жиноят таркиби ҳақида асослар етарли бўлгандагина амалга оширилади, бошқа ҳолда эса дастлаб текшириш учун харид қилиш тадбири ўтказилади ва бу сотувчига ошкор этилмайди.

Назорат остида олиш одатда битим яқунланганидан кейин дарҳол ошкор этилади (легаллаштирилади). Харид қилаётган шахс товарни қўлига олгач, сотувчига лавозимини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатган ҳолда ўз ҳаракатларидан кўзланган мақсадини эълон қилади ҳамда ҳолислар иштирокида назорат тартибида олинган тавар канверга солиб муҳрланади ҳамда баённомага илова қилинади¹³.

Назорат остида олиш тадбирининг субъектлари бўлиб фаолиятни амалга оширувчи органларнинг тезкор ходимлари ҳисобланади. Зарур ҳолларда, тадбирнинг хусусиятидан ва юзага келган тезкор вазиятни инобатга олиб ариза билан мурожаат этган фуқаролар ҳам жалб этилиши мумкин.

Тадбирни ўтказиш ҳақидаги қарор ёзма равишда расмийлаштирилади ва уни тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари прокурор билан албатта келишган ҳолда, тасдиқлашади.

Мазкур тадбирни ўтказишнинг мажбурий шарти уни молиявий таъминлаш бўлиб, бу тезкор бўлинма раҳбари томонидан зарур пул маблағи ажратилишида кўринади.

Назорат остида олиш ўтказилишидан аввал (натijasидан исботлаш жараёнида фойдаланиш мўлжалланаётган) барча тайёрлов ҳаракатлари ҳужжат билан расмийлаштирилиши зарур. Бунга сотувчига бериш учун мўлжалланган пулларни белгилаш ва қайд этиш, шунингдек ўтказилаётган тадбирнинг боришини қайд этиш мўлжалланаётган техник воситаларни кўздан кечириш ва муҳрлаш киради.

¹² Ашуров, О. (2023). Вояга етмаганларга нисбатан жинойий зўравонликларнинг профилактикасини такомиллаштириш!. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 3(Special Issue), 128-132.

¹³ А.А. Ҳамдамов, Т.Р. Сайтбаев, С.Н. Гордеев, Р.Т. Рашитходжаев. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунига шарҳ. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. –Б 78.



Тадбирнинг натижалари баённома билан расмийлаштирилади ва тадбирда иштирок этган холислар ҳамда бошқа иштирокчилардан тушунтириш хатлари олинади. Назорат остида олинган нарса ва буюмлар тегишли тартибда ўралади, канвертланади ва мухрланади ҳамда тегишли тадқиқотлар ўтказиш зарурати бўлганда тегишли идораларга юборилади. Назорат остида олиш тадбири натижасида тўпланган материаллар бўйича Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал қонунчилик талаблари асосида қарор қабул қилинади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳозирги кунда гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларнинг турлари кўпайиб бормоқда. Бундай жиноятлар домига асосан ёшларимиз тушиб қолаётганлиги ачинарли ҳолат, шунинг учун уларга қарши курашиш, бу ажал оғусини давлатимизга кириб келишини ва тарқалишини олдини олиш учун ички ишлар органларининг тезкор хизмати ходимлари ишларини самарали ташкил қилиш, гиёҳванд фурушларга қарши ишларни тўғри йўлга қўйиши, жиноятларни фош этишда тезкор-қидирув тадбирларини тўғри қўллаш билиши ҳамда турли соҳавий хизматлари, давлат бошхона қўмитаси, давлат хавфсизлик хизмати, Электрон технологияларни ривожлантириш маркази билан ҳамкорликдаги ишларни тўғри ташкиллаштириш ва бошқа тезкор қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар билан ҳамкорликни кучайтириш, уларнинг тезкор ходимлари билан ҳамкорликни самарали йўлга қўйиши, ўзининг ижобий самарасини беради деб ўйлаймиз.

References:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 га яқин сўз ва сўз бирикмаси. Ж.Ш.Н-Тартибли/ Масъул муҳаррир А.Мадвалиев. –Т.: «Ozbekiston nashriyoti» давлат унитар корхонаси, 2020. –Б.636.
2. Б.Э.Закиров, В.Г.Каримов. «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. –2013. –№ 1. –Б. 22-27.
3. А.А. Ҳамдамов, Т.Р. Саитбаев, С.Н. Гордеев, Р.Т. Рашитходжаев. Ўзбекистон Республикаси “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунига шарҳи. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. –Б 68.
4. В.Каримов Ўзбекистон Республикаси “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунига илмий-амалий шарҳ. Т-2021. –Б 120.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуни. Қонунчилик маълумотлар базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0357-сон; 29.06.2021 й., 03/21/697/0607-сон. Lex.uz
6. Ашуров, О. У. (2023). Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш. Образование наука и инновационные идеи в мире, 25(2), 49-53.
7. В.Каримов. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунига илмий-амалий шарҳ. 2021 й., Б.137
8. В.Каримов. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунига илмий-амалий шарҳ. 2021 й., Б.138



9. Ашуров, О. У. (2022). Интернет орқали ёшлар орасида экстремистик ғоялар тарқалишининг салбий оқибатлари!. JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH, 5(4), 240-247.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуни. Қонунчилик маълумотлар базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0357-сон; 29.06.2021 й., 03/21/697/0607-сон. Lex.uz
11. В.Каримов. Тезкор-қидирув фаолияти. дарслик. 2021 й., Б.269.
12. Ашуров, О. (2023). Вояга етмаганларга нисбатан жиноий зўравонликларнинг профилактикасини такомиллаштириш!. Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук, 3(Special Issue), 128-132.
13. А.А. Ҳамдамов, Т.Р. Саитбаев, С.Н. Гордеев, Р.Т. Рашитходжаев. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунига шарҳ. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. –Б 78.